

# ЖОЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА № 240 (738).

Сотувда эркин нархда. 1993 йил.

## КЕЧА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ СТАНИСЛАВ ШУШКЕВИЧ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМІЙ-АМАЛИЙ ТАШРИФ БУЮРДИ

Тошкент тайёрагида ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмомил Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими Адхамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдидилар.

Беларусь давлати раҳбари тайёрагида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, ташрифдан мақсад Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш эканини таъкидлади.

Исроил Каримов бу фикрни қувватлаб, Ўзбекистон ва Беларусь бир-бирига ишончли ҳамкор деб қарашини айтди. Беларусь бизнинг пахтаимизга эҳтиёж сезмоқда, биз эса «оқ олтин» ёвасини Беларусдан озиқ-овқат, юк машиналари, дастгоҳлар олишдан манфаатдормиз, деди Ўзбекистон раҳбари.



СУРАТДА: аэропорда кутиб олиш пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири.

### ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

13 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Кивава бошчилигидаги Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлиги вакиллари ҳамда япон ишбилармонларини қабул қилди.

Исроил Каримов меҳмонларга Ўзбекистон ташқи иқтисодий сийосатининг асосий йўналишлари, ривожланган хорижий мамлакатлар банклари фирма ва компаниялари билан йўлга қўйилган алоқалар, республикамизнинг бой табиий ресурсларининг табиий-техникавий имкониятлари ҳақида сўзлаб берди.

— Мен ўзбек-япон иқтисодий комиссияси тузиш фикрини қўллаб-қувватлайман, — деди Исроил Каримов. — Бу икки дўст мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта имкониятлар ҳақида сўзлаб берди.

Япониялик меҳмонлар самимий қабул ва ўзбекиона иззат-икром учун республикамиз Президентига миннатдорлик изҳор этди, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг истиқболли эканини алоҳида таъкидладилар.

Шу кунини делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмомил Жўрабеков билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида иқтисодий, саноат, ер ости бойликларини тадқиқ қилиш, мутахассислар таъбирлаш ва айирбашлаш каби кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий сийосати — сўм ағдлабди.

Республикамиз аҳолиси Россиянинг 1992 йилда чиқарилиши беш минг ва ўн минг рубллик пулларини топшириш чоғида жамғарма банклари олдига одамлар тўда-тўда бўлиб навбат кутганини унутгани йўқ. Сўм-купонни алмаштириш қандай ташкил этилади? Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллабаев шу хусусда қўйилган саволларга жавоб берди.

— 1993 йил 16 декабрдан бошлаб нон, ун, гўшт, сут, гуруч, шakar, чой, ўсимлик ёғи, шунингдек, бошқа барча озиқ-овқат маҳсулотлари «Сўм-купон»га сотилиши белгилаб қўйилсин.

2. 1993 йил 16 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда Россия банкнинг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги пуллари қабул қилинмайди. Аини пайтда тўловларнинг барча турлари, шу жумладан нооziқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ҳақ тўлашда «Сўм-купон» билан бир қаторда мазкур пуллардан тўлов воситаси сифатида чекловсиз фойдаланиш мумкин. 1994 йилнинг 1 январига қадар нооziқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва хизмат

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ПУЛ МҲОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Пул муомаласини янада тартибга солиш ва «Сўм-купон»нинг харид қувватини мустақимлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

- 1993 йил 16 декабрдан бошлаб нон, ун, гўшт, сут, гуруч, шakar, чой, ўсимлик ёғи, шунингдек, бошқа барча озиқ-овқат маҳсулотлари «Сўм-купон»га сотилиши белгилаб қўйилсин.
- 1993 йил 16 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда Россия банкнинг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги пуллари қабул қилинмайди. Аини пайтда тўловларнинг барча турлари, шу жумладан нооziқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ҳақ тўлашда «Сўм-купон» билан бир қаторда мазкур пуллардан тўлов воситаси сифатида чекловсиз фойдаланиш мумкин. 1994 йилнинг 1 январига қадар нооziқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва хизмат

қурсатиш чоғида аҳолидан СССР Давлат банкнинг 1961-1992 йиллар намунасидаги 1, 3, 5, 10 ва 25 сумлик пуллари қабул қилинаверади.

3. Банк муассасалари ва уларнинг қузуридаги комиссиялар кундалик инкассациялаш чоғида савдо ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг белгилаган тартибига риоя этишини қаттиқ назорат қилиб бориши.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил намунасидаги Россия пулларини «Сўм-купон»га 1 рублга 1 сўм-купон нисбатида, шунингдек алмаштириш (харид қилиш) фонди доирасида «Сўм-купон»ларни Россия рублига алмаштириладиган маҳсул пунктлар тармоғини кенгайтириши.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 11 декабрь.

### СЎМ-КУПОНДАН-СЎМГА

[Бўлажак пул ислоҳоти хусусида]

Ички истеъмол бозорини бошқа мамлакатларда яроқсиз бўлиб қолган эски намунадаги рубллар оқиб қолишдан ҳимоя қилиш воситаси сифатида вақтинча сўм-купон муомаласига киритилган эди. Сўм-купон ўрнини мустақил Ўзбекистон давлатининг миллий валютаси — сўм ағдлабди.

Республикамиз аҳолиси Россиянинг 1992 йилда чиқарилиши беш минг ва ўн минг рубллик пулларини топшириш чоғида жамғарма банклари олдига одамлар тўда-тўда бўлиб навбат кутганини унутгани йўқ. Сўм-купонни алмаштириш қандай ташкил этилади? Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллабаев шу хусусда қўйилган саволларга жавоб берди.

— 1993 йил 16 декабрдан бошлаб нон, ун, гўшт, сут, гуруч, шakar, чой, ўсимлик ёғи, шунингдек, бошқа барча озиқ-овқат маҳсулотлари «Сўм-купон»га сотилиши белгилаб қўйилсин.

2. 1993 йил 16 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда Россия банкнинг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги пуллари қабул қилинмайди. Аини пайтда тўловларнинг барча турлари, шу жумладан нооziқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ҳақ тўлашда «Сўм-купон» билан бир қаторда мазкур пуллардан тўлов воситаси сифатида чекловсиз фойдаланиш мумкин. 1994 йилнинг 1 январига қадар нооziқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва хизмат

қурсатиш чоғида аҳолидан СССР Давлат банкнинг 1961-1992 йиллар намунасидаги 1, 3, 5, 10 ва 25 сумлик пуллари қабул қилинаверади.

3. Банк муассасалари ва уларнинг қузуридаги комиссиялар кундалик инкассациялаш чоғида савдо ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг белгилаган тартибига риоя этишини қаттиқ назорат қилиб бориши.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил намунасидаги Россия пулларини «Сўм-купон»га 1 рублга 1 сўм-купон нисбатида, шунингдек алмаштириш (харид қилиш) фонди доирасида «Сўм-купон»ларни Россия рублига алмаштириладиган маҳсул пунктлар тармоғини кенгайтириши.

### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов 13 декабрь кунини АҚШда Қўшма Штатлардаги стратегия ва ҳалқоро тадқиқотлар марказининг масъуладгиси Эбигнев Бизнесининг қабул қилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

М. ИКРОМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мирзамурод Икромов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 11 декабрь.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

С. Д. САИДАЛИЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТУҒРИСИДА

Сайфулла Даниронич Саидалиев пенсияга чиқиши сабабли Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 11 декабрь.

### АҚШГА ИНГЛИЗЧАНИ ЯХШИ БИЛГАНЛАР БОРАДИ АМЕРИКАДАГИ

«Акселс» халқ таълими ва тилларнинг ўрнини буйича ҳамкорлик кенгаши вакиллари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб туришди.

ХОРИЖЛИКЛАРНИНГ бу ташрифдан мақсадлари инглиз тилини яхши биладиган иқтисодий ўқувчиларни танда олиб, Америкага ўқишга юборишдир. Бу йил имкониятлар янада кенгайган. Ҳозир америкаликлар Ўзбекистоннинг чекка жойларидан инглиз тилини яхши биладиган, АҚШда ўқишни истайдиган иқтисодий ёшларни танда олиш мақсадида вилоятлар бўйлаб сафарга чиқишган.

### ҚИЗИЛТЕПА ПАХТАСИ ГАЗЛАМАГА АЙЛАНДИ

Туманда газлама тўқиш фабрикаси қуриш туғрисида Санкт-Петербург саноатчилари билан шартнома тузди.

КЕЛИШУВГА мувофиқ хорижий шериклар қурилажак фабрика учун керакли ускуналарни келтиришлари, маъкали мутахассис ва тўқувчиларни тайёрлаб берадилар. Эвазига қизилтепаликлар Санкт-Петербургдаги «Искра» фабрикасида 400 тонна пахта толаси етказиб беришади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси олдида

## Келажакимиз пойдевори меъморлари

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар туғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида га-зеталарда, радио ва ойна жаҳонда билдирилган қизилтепаларнинг, уларнинг қабул қилинаётган қонуналарга бефарқ эмаслигини алоқабат. Бу жуда қувончли ҳол, чунки мамлакатимиз аҳолиси эркинлик қурага ишонч билан яшайётганининг, мустақил давлатимиз қонуналар истиқболли учун жон қўйиётганининг белгисидир.

Рухимиздаги уйғонини ўзбекининг ўзини ўзи аниқлаштириши ва қаддини тик қуриши, тарқиқат сари шикдан қадам ташлаётганидан яна.

Нисон ҳаминша олға интилади. Ҳаёт эса унга интилади. Ҳаёт эса унга интилади. Ҳаёт эса унга интилади. Ҳаёт эса унга интилади.

ганлигини кўрмиз. Шунингдек, унда ўзимиздаги қонунийлик соҳасининг ўзлаштирилиши ва ҳозирги билан тақдирланган. Президентимиз таъкидлаганидес, Конституциямизнинг тарихи жаҳон ҳамжамияти таърихидан демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий асосларга таянган қонуни яратишга ҳарикат қилиши.

Қонун лойиҳасининг ўзи демократик ҳуқуқларнинг жиддий таъминланганлигини билан аниқлаш қонуналардан сифат кўрайдиган фарқ қилади. Буни сайловчилар ва номзодлар ҳуқуқларининг кафолатланганига кат-

та эътибор берилган. Олий Мажлис сайлови кўп партиялик асосида ўтказилиши, уларга ўз дастури билан қилиш ҳуқуқи берилиши жаҳон демократиясининг намунасидир. Сайлов кампанияси мuddати-нинг дискартирилиши, округ ҳамда участка комиссияларининг тузишда давлат органлари иштироки эмаслиги, комиссия раиси, ўринбосари ва аъзолари бир-бир сийсий партия ёки ҳизматларнинг аъзоси бўлмаган демократик сарни яна бир қадам бошқару-лигининг далолатидир.

Қонун лойиҳаси сайлов жараёнида содир бўладиган, уни тартибга солиб турди-ган барча қирраларни қам-

раб олган. Шу билан бир-га базис тўлдирилиши, тақомиллаштирилиши муҳ-тим бўлган моддалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, қонун лойиҳасининг 3-мод-дасида таъкидланган «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар» деган жумлали олиб таш-лаш лозим. Бу борада Ўз-бекистон Республикаси Ко-нституциясида аниқ бел-ги-ланган. Таъриқлаб ўтиришга ҳо-жрат йўқ.

5-модданинг охириги жум-ласини «...сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилиш қонунда назарда тутилган жаваобгарликка тор-тилади» деб ёзишни таъ-сир қилмади. Бу айтила-дики фикрини аниқ ифо-да-лайди.

10-модданинг иккинчи бандига кўра «Марк-зий сайлов комиссияси тар-тибига Қорқалпоғистон Республикасида ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри-

Сўхбатни В. РУДКОВА ёзиб олди.

16-модданинг «Сайлов комиссияси таркибига Олий Мажлис депутатлигига ном-зод кириши мумкин эмас», деган жумла ўрнига «Олий Мажлис депутатлиги-га номзод сайлов комиссия-си таркибига кириши мум-кин эмас» дегилса, ра-н-широқ бўларди.

М. ПАРПИКОВ Самарқанд кооператив ин-ститути «Иқтисодий тах-ли» кафедраси mudiri, доцент.

Т. САТТОРОВ Самарқанд қишлоқ хў-жаллик институти доцент.





Сиз кутан учрашув: Обид Юнусов

«ДУТОРИМДАН АЙИРМАСИН»



Янги асар саҳнага чиққунча сабр-тириқчида репетициясини кўриб кетаркан. Усмон Юсуповнинг театрга бўлган ҳеҳис муҳаббатини шундан ҳам бйлас бўладики...

— Обид апа, одамлар сизни актёр сифатида яхши танишади, бироқ машҳур бастакор Юнусовнинг ўзги ақаллигини ҳамма билмас экан...

Бир кун дадам билан оdatда-гидек театрга кетаётгандик. Енимиздан гизиллаганча энгил машина ўтиди...

— Сен ҳам катта бўлсанг шуларга ўшаб актёр бўласанми? — деб сўради. — Шунанга бўлгани учун ҳам буларни одамлар гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб томоша қилади-да...

шёр ролинни ўйнабди. Бунга эшитиб, қанчалар қувонганимни кўриб бўлмасангиз эди. Ҳар қалай, ўзим бўлганим ҳам, неварам Навоий сиймосини яратибди-ку!

— Сиз филъм ва спектаклларда асарият ҳолларда меҳнаткаш, хокисор кишилар образини яратасиз. «Армон»нинг, «Алишди, ҳаёт»нинг, «Оқшомдан тугша»нинг ёни қандад эканга ташаббуслар...

— Томошабинларни мажбуран кудириб бўлмаганидек, мажбуран йиғлатиб ҳам бўлмайди. Ҳали айтаганимдек, «Тугош» қилдиб кўйганидан сўнг театрда ҳам, кинода ҳам режиссёрлар менга нуқул «Инглиз» ролинни таклиф этадиган бўлишди...

— Дуторнинг товларини узиб қўйган вақтларим ҳам бўлган. «Парвона»даги Утқурий ролинни беришгач, режиссёримиз дутор топиб келинг, деди. Топиб келсан, «чалинг», деди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, мен бирорта мусиқа асбобини чалишни билмайман-ку?

— Дуторнинг товларини узиб қўйган вақтларим ҳам бўлган. «Парвона»даги Утқурий ролинни беришгач, режиссёримиз дутор топиб келинг, деди. Топиб келсан, «чалинг», деди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, мен бирорта мусиқа асбобини чалишни билмайман-ку?

диқ. Эртаси кун чиқсам, тагин кутиб турган экан. Индинга яна шу ҳол. Тўртинчи кун чадаб туролмадим: «Ана, ҳадеб келаярар экансиз-да. Бўлди-да, ахир бир марта кўрган бўлсангиз»...

— Кўнглингизга олмасангиз, шундай савол берсам. Ҳаёлингизга, образ яратишда ўзингизда бор имконият ва ниятдорини ишга солиб бўлсангиз, янги бундай ортигга араймай, деган ўй келмаганини мабодо?

— Айтишларча, сизнинг кўнглингизга тугша дутор товлари узилмасдан «кутулмас» экан. Батини кино ва спектаклларда дутор чертиб, қўшиқ ҳам куйлаб қоласиз...

— Дуторнинг товларини узиб қўйган вақтларим ҳам бўлган. «Парвона»даги Утқурий ролинни беришгач, режиссёримиз дутор топиб келинг, деди. Топиб келсан, «чалинг», деди. Ҳайрон бўлдим. Ахир, мен бирорта мусиқа асбобини чалишни билмайман-ку?

— Нега энди радио-телевидениеда чалиб «айтмасангиз? Ахир, чиндан яхшигина овозингиз бор-ку? — Бир танишим ашула айтишимни олиб қилиб, тешикдене...

— Эсон-омон нафақага чиқиб олсам, театрдан кетмоқчиман. Кўпчилиги, барибир неғолимасиз, деишадилар. Ҳозирча шу фикримда қатъий турибман. Даладан бироз ери олиб қўйганман. Дадам қасбод эди. Касбодчилик қўлимдан келмади. Қариган чоғимда бир қўлимга дуторни олиб, бир қўлимга кетмонни кўтариб далага чиқиб, тер тўкмоқчиман. Ичкилиб, худойим дутор билан кетмондан айирмасин, мени.

У. ҲАЙДАВОЛОВ суҳбатлашди.

Леонид Евгеньевич ТЕПИКИН



Республика энергетика соҳаси оғир жудолликка учради. Ўзбекистон энергетика асосларидан бири, энергетика ва электрлаштириш ваэрининг биричи ўринбосари Леонид Евгеньевич Тепикин бевонд ҳаётдан кўз юмди.

Л. Тепикин 1931 йилда Тошкент шаҳрида туғилган эди. 1954 йилда Урта Осиё политехника институтининг энергетика факультетини тамомлайди. 1960 йилдан бошлаб Навоий ГРЭСи директори бўлиб ўзининг бутун ҳаётини ўзбекистонда энергетика тараққитига бағишлайди.

Л. Тепикин энергетик муҳандис ва давлат қабул комиссияси раиси сифатида Сирдарё ГРЭСини ишга туширишда, ундан Ўзбекистон энергетикаси учун сифат жиҳатидан бутунлай янги бўлган энергетика блокларини ўзлаштиришда

бевосита иштирок этади. Бу фаолияти учун унга «Республикада хизмат кўрсатган энергетик» фахрий унвони берилди.

Л. Тепикин 1989 йилда республика энергетика ва электрлаштириш ваэрининг ўринбосари этиб таъинланди. 1977—1979 йилларда Ўзбекистон ССР Ваэирлар Кенгашининг ёнлиги ва энергетика бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1981 йилдан бошлаб Сирдарё ГРЭСи директори лавозимига ишга юборилди. У мазукур электростанцияда юксак малакали ходимларни тарбиялашга, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга эришди.

Леонид Евгеньевич Тепикин 1986 йилдан умрининг охиригача қадар Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш ваэрининг биричи ўринбосари бўлиб ишлайди. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида Тошкент ГРЭСи, Фаргона, Муборак иссиқлик электр станциялари, Янги Ангрэн ва Тахта-тош ГРЭСларидаги машина-ускуналар ишга туширилди. Энергетика тизимини техник жиҳатдан қайта қуриш, янги техникани жорий этиш, энергетика жиҳозларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлашни такомиллаштириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Л. Тепикин ўзига талабчан, интизомли, ҳаммас-ларни ва ўртоқларни орасида ҳурман ва эҳтиром қозонган инсон эди. У хотирамида мангу қолади.

БИР ГУРУХ ҲУРОЛАРИ.

Корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликларини раҳбарларини ҳамада аҳоли диққатига!

Меҳнаткашларини соғлиғини тиклаш бўйича хўжалик жиҳозидан бошқарма 1993 йил декабрь ойида ва 1994 йилда довланим ҳамда дам олиш учун куйидаги курортларга йўлнамаларни ҳавола этади:

- УКРАИНА: КАВКАЗ МИНЕРАЛ СУВЛАРИ: Эссенсути, Кисловодск заида Сочи. «Алату», «Аматы», «Сарыага», «Турксиб» санаторийлари, «Золотой бор» дам олиш уйи, Боровое курортини «Шуииский», «Ок жеттес» санаторийлари. КИРГИЗИСТОН: Киргизистон Президентини девонини кўп тармоқи «Испис кўз» санаторийси (нафос олиш ораилари ва аллергия касаллиқлари учун), «Жалолобод» санаторийси, «Арслонбоб» дам олиш пансионати. ЎЗБЕКИСТОН: «Тошкент минерал суви», «Хумсон», «Семур» (Алгорити массови кўчида жойлашган, ўз минерал сувига эга) санаторийлари.

Карлова-Вара, Баден-Баден, Вьетнамда санатория довланим учун буортмалар қабул қилинмоқда.

Манзилимиз: Тошкент, «Привода Востока» кўчаси, 16. Телефонлар: 33-80-20, 33-11-30.

«Ирит-2» кичик корхонаси соатига 200-450 дон пишиқлиги М50 дан кам бўлмаган гишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Серия МФ» қолипловчи машинасини ҳавола этади.

Маҳаллий хомашёга сув ва цемент қўшилмайди. Ускунанинг ҳажми кичик, кам энергия талаб қилади ва харажатларни кеска муддатларда қоплайди. Бизнинг ускуна гишт керак бўлган жойга қурилади. Бизнинг ускуна Ўзбекистонда икки йилдан буюн ишламоқда. Кам қаватли уйлар қуришда жуда қулай. Биз пулингизни санишдан сақлаймиз. Биз ўз ускуналаримизни йиғамиз, ишга туширамиз, хизматчиларини ўқитамиз, қафолатли ва қафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатамиз.

Манзилимиз: 700143, Тошкент, Ф.Ҳўжаев кўчаси, 34.СНҚБ АиВТ, к.301. Телефонлар: (3712) 62-52-91 (соат 9 дан 17гача), 22-32-51 (18.00 дан).

Газетамизнинг навбатдаги соии 16 декабрь — пайшанба кунн чиқади.

ҚУЗГУНЛАР

Суд очерки

Мазкур инижот шикда ҳамма нарса бор: қувини, отишма, қароқчиларча қуғум, қасадан одам ўлдирини. Қисқа вақт ичда олдин судланган А. Кулояц бошлиқ инижот гуруҳи Бўторо, Самарқанд, Сирдарё аймақлари ҳамда Тошкент шаҳрида кўпайиб оғир жиноятлар содир қилдилар. Узларини қабил мақсадларини амалга ошириш йўлида қўнғулари, қўнғулари қўнғулари билан қўнғулари, қўнғулари қўнғулари билан қўнғулари...

«Янги «Волга» машинаси безани кўйиш шохобчаси олдиға келиб тўхтади. Ундан кўринишдан анча хотиржам икки киши тушиб келди. Бензинфуруш нотакиш ишчиларга қизиқиш билан қаради, машинасини номери йўқлиги унинг наваридан четда қолмади. Меҳмонлар ва меҳмоннинг аяғанавий салом-алиғидан сўнг ўртада машинанинг йиғлиги, бузачасини фақат орозу қилиш мумкинлиги ҳақида таппар бўлди. Меҳмонлардан бири бензинфурушини оғиздан сулақайи эққаннинг сезиб...

таврозу қилган. Ҳа қабул-қилларини амалга ошириш учун Кулояц ва унинг жонинфурушини шохобчага кетганини билди, деди: — Утир, унинг олдиға борамиз. Уша ерда гаплашамиз. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Оллоёров ҳайдовчининг ёнига утирди. Шкряби орқага жойлашди. «Булар меҳмон бўлса керак». — ўйлади Оллоёров ҳайдовчининг нуноқ ҳаракатларини кузатаркан. Улар шохобчага етиб келганда, ҳеч ним йўқ эди. Оллоёров бегоналар қуршовида қолганидан бевозталанди. Машина орқага қайтиб, келган йўлида даламоз этиб, Бироқ ўз метрча қорилгач, ҳайдовчи кескин тормоқ бериб, чироқларини ўчирди. Сирли қоронғилик қўнди. Шу пайт орқада ўтирган Шкрябин Оллоёровнинг бўйнига ип ташлади-да, бўга бошлади. Жон аччиғида икки қўли билан ипта ёпишган Оллоёров жиддий қаршилик кўрсатди. Енида ўтирган Кулояц пистолетини чиқариб-да, унинг бошига бир неча марта уряб, «Пулини чикар!» — деб бақирди. Мурсасиз кураш бошлади. Оллоёров жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди, бахтига ип узилиб кетди. Босқинчиларнинг ишониб қолганидан фойдала-

ниб, машинадан отилиб тушибди-да, қоронғилик қўйнига аширибди. — Оти — Шкрябиннинг қичқирғи янгради. Биринчи марта пистолет отилмади. 15 метрлар узоқлашган Оллоёров орқадан ўқ овозини эшитди. Энг яқин уйга етиб боргач, бўлиб ўтган вояча ҳақида милицияга хабар берди. Босқинчилар тезда ўз жойларини тарк этидилар, катта йўлга чиқиб олгач, жон-жаҳдлари билан Самарқанддан қочдилар. Шундан кейин улар «Волга»да бир неча кун Қаршини сайр этидилар, эски дўстлари билан учрашдилар. Шу жойда Кулояц Гулноза Қаримова билан танишди. Г. Қаримованинг кўргазмасидан: «Биз бир неча кун улар билан Қаршида турдик. Мен уйин тарк этишга қарор қилдим. Армик бирга яшаш ва Тошкентга кетишни таклиф қилди. Рози бўлдим. Кейин биз Навоийга жўнадик, у ерда Ирина деганининг пишиқ гишдан қурилган квартирасида тўхтадик. Кейинги кун Армик ва Сереза машинасини таъмирлашга кетишди...».

Уста «Волга»нинг тормоқ колдларини алмаштириётганда, унинг таниши билан Кулояцнинг суҳбатни кўз олди навоийлик тас-

сист Салоҳиддин Аҳмедов улар излаган одамлардан чиқиб қолди. У эрталаб 20 йил олдин олмасини тарк этган отасини кўриб қолган, эски алами алағаланган экан. Ҳеч нарсани уйлаб ўтирмай, биринчи дуч келган нотаниш одамга ўз дарадин тўқиб содди. Улканга дуч келган Кулояцга шундай деди: «У жуда бой одам, ревиэор бўлиб ишлаган. Сандик тўла пул, мен уларни кўрганман. У жуда қурумсоқ, бутун умр емай ичмай йиққан. Агар қўлга киририлса, ҳаммага етади». Кейинги гап Аҳмедовнинг оғиздан беихтиёр чиқиб кетди. У ўзининг эски муддосини ошкор қилган эди. Отасининг пули уни қўлдан бевозта қилар, қўлга туширишга шерик изларди. Ниҳоят, шундай пайт юзага келди.

Кулояц гап нимадалиғини тушуниб ва иккиланмай ўз ёрдамини таклиф қилди. Унинг ишин қандай қилиб ичим-жимиди битириш мумкинлиги ҳақидаги сўроғига Аҳмедов шундай жавоб берди: «Менинг таёёр режам бор. Отамнинг уйини ўзим кўрсатаман...».

Л. ЭВЕРЗЕНКО, «Халқ сўзи» ва «Народное слово»нинг махсус мухбири. (Давоми бор).

«Ўзбекистон почтаси» концерни ходимлари республика алоқа ваэрини муоини М. К. Носировага опаси

Муборак ВАХОВОВА. нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Интер-Осиё» корпорейшн лимитед» ташқи-иқтисодий ишлаб чиқариш тижорат корпорациясини маъмурияти ва ишчи-ходимлари шу корпорация президенти Комил Пўлдошевга волидаси

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг она аъзоларига ва ақилларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси жамоалари республиканинг меҳса киноташкилотчиси, таниқли ёзувачи

Мумтоз МУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Халқ сўзи Народное Слово TELEFОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Ваэирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАХРИР ҚАЙБАТИ: Абдунаби БОИҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»]. Эркин ВОДИРОВ, Миракмап МИРАЛИМОВ. Салоҳиддин МУХИДДИНОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлақ мад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯХЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммад жон ҚОРАБОВЕВ, Сандеявор ГУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир И. Утбасаров, навбатчи Р. Жумаев.